

13-ноябр - Халқаро кўзи ожизлар кун



Бугун Қумқўрғон тумани ҳокими ташаббуси билан 13-ноябр-Халқаро кўзи ожизлар кунига бағишлаб тумандаги кўзи ожизлар жамияти аъзолари учун байрам дастурхони ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими А.Нормаматов сўзга чиқиб кўзи ожиз, ногиронлиги бор фуқароларни сана муносабати билан табриклаб, эсталик совғаларини топширди.

Маълумот ўрнида: 1745-йилнинг 13-ноябр кун Франсияда таваллуд топган машҳур педагог Валентин Гаюи Петербург ҳамда Париж шаҳарларида кўзи ожизлар учун махсус бир нечта мактабларга асос солган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қарорига биноан бу кун Халқаро кўзи ожизлар кун деб белгиланган: мақсад бир умрга дунёни кўриш имконидан маҳрум бўлганларга барчанинг эътиборни қаратиш эди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 40 миллионга яқин кўзи ожиз киши бор, кўриш даражаси паст одамлар сони эса 124 миллион нафар.

Ўзбекистонда 62 мингдан зиёд кўзи ожиз инсон истиқомат қилади.